

**“Худудий электр тармоқлари” АЖ оддий акцияларига эга  
Ягона акциядорининг 10 -сонли қарори**

2024 йил “21” декабрь

Тошкент шаҳри

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг барча оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, вазирлик “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг оддий акцияларига эга Ягона акциядори ҳисобланади.

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

**“Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раисини тайинлаш.**

**Кун тартибидаги масала бўйича:** Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли топшириғига асосан, кун тартибидаги масала юзасидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Ягона акциядори **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Мустафоев Улуғбек Мавлонович бошқа ишга ўтиши муносабати билан “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раиси лавозимидан озод этилсин.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи этиб Аскарлов Асроржон Ақромович 3 (уч) йил муддатга тайинлансин ва тегишли тартибда у билан меҳнат шартномаси тузилсин.

3. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Аскарлов Асроржон Ақромович билан меҳнат шартномасини имзолаш вазифаси “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгаши раисига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирининг  
ўринбосари**

  
**Х. Мустафоев**